

**ХФР**

1918-йил  
21-йундан чиқа  
бoshлаган

№44, 2023-йил  
8-ноябр,  
chorshanba (32.790)

# Ўзбекистон ОҲОҲИ

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАРНИНГ СОБИҚ БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 ноябрь кунни Қатар Давлатининг собиқ бош вазири, ушбу мамлакатдаги қатор йирик инвестиция ва саноат ҳолдинглари асосчиси Ҳамад бин Жассим Ол Сонийни қабул қилди.

Қатар делегацияси олий даражадаги келишувлар доирасида юртимизда бўлиб турибди.

Ўзбекистонда истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Бухоро шаҳрида замонавий меҳмонхона мажмуаси, Тошкент шаҳрида йирик логистика маркази, савдо ва турар жой мажмуасини қуриш, юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган автомобиль ва темир йўллар инфратузилмасини барпо этиш, аэропортларни модернизация қилиш, шунингдек, энергетика, металлургия, тўқимачилик саноати, чорвачилик, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидан.

Ушбу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун қўшма фонд ташкил этиш режалари ҳам муҳокама қилинди.

Лойиҳалар қўшма "йўл харитаси" асосида амалга оширилади.

ЎзА.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

8-9 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) ўн олтинчи саммити бўлиб ўтади.

Тадбирда Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ва Туркиянинг давлат ва ҳуқумат раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда.

Кун тартибига мувофиқ, ИХТ доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда ушбу кўп томонлама тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Саммит дастури доирасида Ўзбекистон етакчиси қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига 1985 йилда асос солинган, унинг доимий фаолият юритувчи котибияти Техрон шаҳрида жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан бошлаб ИХТ аъзосидир.

## ТУРКИЙ ТИЛЛАР АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ АЛЬЯНСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Кун кеча Истанбулда "Медиада бирлик ва келажакка қараш" мавзусида туркий тилли давлатлар медиа саммити бўлиб ўтди.

Тадбирда Туркиянинг "Анадолу" ахборот агентлиги бош директори Сердар Карагез, Қирғизистоннинг "Кабар" ахборот агентлиги директори Медербек Шерметалиев, Қозоғистоннинг "Қазконтент" медиахолдинг бошқаруви раиси Бекзат Жусупов, "Азертадж" Озарбайжон давлат ахборот агентлиги бошқарувининг раиси Вугар Алиев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) бош директори Абдусайд Кўчимов, шунингдек, Туркия Президенти маъмуриятининг Алоқа бўлими мудирини Фахреттин Альтун, Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Омуралиев ва бошқа олий мартабали меҳмонлар иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари ўзаро ахборот алмашишда туркий тилли давлатлар етакчи медиа тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамиятини алоҳида эътироф этди.

Шунга кўра, альянс туркий дунёнинг муштарак мероси ва маданиятини асраб-авайлаш ҳамда оммалаштиришда муҳим роль ўйнаши қайд этилди.

Саммит якунига кўра, беш давлат медиа тузилмалари раҳбарлари ўртасида Туркий тиллар ахборот агентликлари альянсини тузиш тўғрисида декларация имзоланди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири.

## ПАРЛАМЕНТДА МУНОЗАРА



МАМЛАКАТ ҲАЁТИГА ДАХЛДОР  
МАСАЛАЛАРДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ИШТИРОКИ  
КУЧАЙИБ, ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
ЖАРАЁНИГА ФУҚАРОЛАР ФАОЛ МУНОСАБАТ  
БИЛДИРИБ, БЕФАРҚ БЎЛМАЯПТИМИ, ДЕМАК,  
ЎША ЖОЙДА ҲАҚИҚИЙ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ  
ШАКЛЛАНЯПТИ. ПАРЛАМЕНТДА САВОЛ  
БЕРИЛИБ, ФИҚР АЙТИЛИБ, ТАКЛИФЛАР  
МУҲОКАМА ҚИЛИНАЁТГАНИ ЖАМИЯТДА  
ДЕМОКРАТИК ХАРАКТЕР УЙҒОНАЁТГАНИГА РЕАЛ  
ИШОРА. БУНДАН ФАҚАТ ХУРСАНД БЎЛИШИМИЗ  
КЕРАК.

ПАРЛАМЕНТ ҚҲИ ПАЛАТАСИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИНИНГ ЙИГИЛИШИ ҲАМ АНЧА ҚИЗГИН  
МУҲОКАМАЛАР БИЛАН ЎТДИ.

## ФРАКЦИЯМИЗНИНГ ПОЗИЦИЯСИ ҚАТЪИЙ

1-2 НОЯБРЬ КУНЛАРИ  
ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ  
ЭММАНУЭЛЬ МАКРОН  
ДАВЛАТ ТАШРИФИ  
БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА  
КЕЛДИ. БУ ФРАНСУА  
МИТТЕРАННИНГ 1994  
ЙИЛГИ ТАШРИФИДАН  
КЕЙИНГИ ФРАНЦУЗ  
ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ  
БИРИНЧИ ТАШРИФИ  
БЎЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН  
– ФРАНЦИЯ  
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ  
БИР ҚАТОР АҲАМИЯТЛИ  
ЖИҲАТЛАРИ  
МАВЖУД.

5



2024 ЙИЛ.  
Солиқлар ўзгарадими? 7 САҲИФА



66  
Миллион «туя» бўлдими? 8 САҲИФА

# ФРАКЦИЯМИЗНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

## 2024 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИХАСИ

**МАМЛАКАТ ҲАЁТИГА ДАХЛДОР  
МАСАЛАЛАРДА ПАРЛАМЕНТНИНГ  
ИШТИРОКИ КУЧАЙИБ,  
ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
ЖАРАЁНИГА ФУҚАРОЛАР ФАОЛ  
МУНОСАБАТ БИЛДИРИБ, БЕФАРҚ  
БЎЛМАЯПТИМИ, ДЕМАК, ЎША  
ЖОЙДА ҲАҚИҚИЙ ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНЯПТИ.  
ПАРЛАМЕНТДА САВОЛ БЕРИЛИБ,  
ФИКР АЙТИЛИБ, ТАКЛИФЛАР  
МУҲОКАМА ҚИЛИНАЁТГАНИ  
ЖАМИЯТДА ДЕМОКРАТИК  
ХАРАКТЕР УЙҒОНАЁТГАНИГА  
РЕАЛ ИШОРА. БУНДАН ФАҚАТ  
ХУРСАНД БЎЛИШИМИЗ КЕРАК.  
ПАРЛАМЕНТ ҚУЙИ  
ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКISTОН  
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ ҲАМ  
АНЧА ҚИЗГИН МУҲОКАМАЛАР  
БИЛАН ЎТДИ.**



### ҚАЕРГА ҚАНЧА?

Фракциямиз аъзолари 2024 йил учун Давлат бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

Давлат бюджет – халқнинг ризқи ҳисобланади. Унинг ортида ҳар бир фуқаронинг манфаати, улуши бор. Мамлакат ривожига давлат бюджетига тушаётган маблағларнинг кўпайиши, балки уларнинг тўғри ва самарали сарфланишига, тақсимланишига ҳам боғлиқ.

Шунинг учун депутатлар бир неча саволлар билан ҳукумат вакилларига мурожаат қилишди.

Дастлаб иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари Гулнора Раҳимова асосий кўрсаткичларга тўхталиб ўтди. Қайд этилдики, лойиҳа 17 модда ва 11 иловадан иборат бўлиб, келгуси йил учун Давлат бюджетининг асосий параметрлари белгиланган.

Бюджет лойиҳасида прогноз кўрсаткичларидан ташқари, вазирлик ва идораларга ажратилаётган маблағлар ҳам акс этган. Қайд этилишича, келгуси йил учун Давлат бюджетининг даромадлари 270,3 трлн сўм, харажатлари эса (бюджетлараро трансфертларни инобатга олган ҳолда) 279,6 трлн сўм миқдоридан белгиланмоқда.

Келгуси йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 5,6–5,8 фоиз, 2025–2026 йилларда эса мос равишда 6,2 ва 6,4 фоиз бўлиши, ўсиш суръатлари саноатда 6 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасида 6,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4 фоиз бўлиши прогноз қилинган.

Консолидациялашган бюджет тақчиллигининг чекланган миқдорини ялпи ички маҳсулотнинг 4 фоизи миқдоридан белгилаш таклифи қилинмоқда. Бюджет тақчиллигининг юқори чегараси 52,5 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиз миқдоридан белгиланмоқда.

Таъкидландики, асосий солиқ ставкалари ўрта муддатли истиқболда ўзгаришсиз қолади. Шунинг учун ҳам даромадларни ошириш учун бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, берилган солиқ ва божхона имтиёзларини уларнинг самардорлиги ва натижадорлигидан келиб чиққан ҳолда, қайта кўриб чиқиш ва босқичма-босқич бекор қилиш кўзда тутилган.

### ЯРМИ ИЖТИМОЙ СОҲАГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

Бюджет маблағларининг энг катта қисми таълим соҳасига йўналтирилади. Мактабга-ча ва мактаб таълими вазирлигига 46,6 трлн сўм, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига эса 6,1 трлн сўм ажратилган.

Келгуси йилда Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларига жами 142 трлн. 628 млрд. сўм, 2023 йилга нисбатан 12 трлн. сўм кўп маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Пенсия жамғармасининг бюджетдан ташқари тушумлари 46,8 трлн сўм, харажатлари 63,1 трлн сўм бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага яна бир қатор муҳим харажатлар режалаштирилган. Хусусан, кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдамлар тўлаш учун 10 трлн. сўмдан ортиқ, ногиронлиги бўлган болаларни парвардилашган оилаларга нафақалар тўлаш учун 3,6 трлн. сўмдан ортиқ, меҳнатга лаёқатсиз ва зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга нафақалар учун эса 2,5 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Давлат бюджетининг лойиҳасида аҳолининг турмуш даражасини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлаш, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида акс этмоқда.

Бюджет лойиҳасига кўра, болалар нафақалари ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий агентлигининг (Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, Вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ва Оилавий меҳрибонлик уйлари) ташкилотлари республика бюджетининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

### Саволлар кўп, жавобларчи?

Фракция аъзолари Давлат бюджетининг тақсимоти билан боғлиқ масалаларда масъулларга саволлар билан мурожаат қилди:

» **Давлат бюджетининг ризиқи ҳисобланади. Унинг ортида ҳар бир фуқаронинг манфаати, улуши бор. Мамлакат ривожига давлат бюджетига тушаётган маблағларнинг кўпайиши, балки уларнинг тўғри ва самарали сарфланишига, тақсимланишига ҳам боғлиқ.**

### Ойбарчин Абдуллаева, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

**Савол:** 2023 йилги Давлат дастурида бошланғич синфларни бепул овқатлантириш масаласи мавжуд бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида синов тартиқида амалга оширилмоқда. Мазкур масала 2024 йилги бюджет лойиҳасида кўзда тутилганми?

### Фаррух Зокиров, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи:

**Жавоб:** Бошланғич синфларни бепул овқатлантириш масаласи 2024 йилдаги бюджет лойиҳасига киритилмаган, бунинг қатор сабаблари бор. Бу масала босқичма-босқич, зарур инфратузилмани яратгандан кейин, албатта, амалга оширилади.

### Урал Урозбоев, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

**Савол:** Ҳисоботда 2023 йилдан бошлаб ҳар бир ҳоким ўз туманига 40-50 миллион доллар хусусий инвестиция олиб келишини ташкил этиш вазифаси белгиланган. Мазкур масала бажарилди, деб ёзилмоқда. Амалийда бу масала қандай ҳолатда?

### Шерзод РАБИЕВ, Адлия вазири ўринбосари:

**Жавоб:** Худудларда лойиҳа гуруҳлари томонидан қиймати 8,1 млрд долларлик 4 962 та лойиҳанинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техника жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг баёни билан манзилли рўйхат тасдиқланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2023

йил 14 апрелдаги фармойиши қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

### Мақсуда Ворисова, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

**Савол:** Бюджет лойиҳасида дори-дармон маҳсулотларини олиб кириш учун имтиёзлар олиб ташланмоқда. Бу дориларнинг нархи ошиб кетишига олиб келмайдими? Яна бир масала, Президент қароридан аҳолини қандли диабет бўйича бепул текширувдан ўтказиш белгиланган эди. Бюджет лойиҳасида бу мақсадга маблағ кўзда тутилганми. Нимага?

### Умид ҲАМРОЕВ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқарма бошлиғи:

**Жавоб:** Тўғри, 2024 йил учун Давлат бюджетининг лойиҳасида дори воситалари ва тиббий буюмлар кўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинмоқда. Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга кўра, 76 турдаги дори воситаларига ҚҚС тўланади. Лекин бизда дори воситалари ишлаб чиқарувчилар кўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод бўлгани учун буларни ҳисобга олиш имконияти йўқ. Яъни, бу борда механизм йўқлиги учун маҳсулотларнинг таннархи ошиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам қолган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар дори-дармонларга ҚҚС тўласа, уларни назорат қилиш имкони яратилади. Шунда сунъий равишда нархларни ошириш ҳолатлари кузатилмайди. Оддий тилда айтганда, ҚҚС тўланмаслиги дориларнинг нархини камайтиришга таъсир қилмайди.

Кейинги саволга жавобан Иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари Гулнора Раҳимова фракция таклифига асосан 40 ёшдан ошган фуқароларда бепул текширув ўтказиш учун бюджетда 14 миллиард сўм кўзда тутилишини билдирди.

Фракция аъзолари Зухра Шадиева ва Шербек Бўронов аввал республика бюджетидан молиялаштириб келинган бир қатор харажатлар 2024 йилдан маҳаллий бюджетларга ўтказилаётгани иқтисодий мувозанатга, ижтимоий вазибаларнинг бажарилишига салбий таъсир қилиш-қилмаслиги ҳақида савол берди.

### Г.Раҳимова:

**Жавоб:** Ушбу чоралар маҳаллий давлат органларининг мустақиллигини ошириш ва маҳаллий бюджетлар балансини таъминлаш учун амалга оширилмоқда. Бу амалиётда муаммолар келтирмайди ва ҳисоб-китоб қилиниб, доимий баланс юритиб борилади.

### Анвархон Темиров, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

**Савол:** Қишлоқ хўжалигида ҳар йили 7 трлн. дан ортиқ маблағ сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси харажатларини қоплаш учун ажратилмоқда. Ўтган йили ҳам шундай бўлди? Вазирлик ўзгариш қилмайдими? Тизимга бундай харажатларни камайтириш чоралари кўрилмайдими?

### Г.Раҳимова:

**Жавоб:** Тўғри масалани кўтардингиз. Бугунги кунда сув масаласи ноҳиятда долзарб. Ҳозир 5 мингдан ортиқ сув насослари пахта далаларини сув билан таъминлаб келмоқда. Агар биз давлат томонидан субсидия бермасак, насосларнинг электр харажатлари юқори бўлганлиги бошқа муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки худудларда фақат фермерлар эмас, аҳолининг сув таъминоти билан



# КАТЪИЙ

## МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

боғлиқ катта масала ҳам бор. Шу муносабат билан маблағ ажратилиши тўғриси, деб ўйлаймиз.

**Фракция аъзоси А.Темиров яна савол билан мурожаат қилди:**

**Савол:** Қонун лойиҳасининг 14-моддасида қонунни бузганларни жазолаш назарда тутилмоқда. Амалда кўраямиз, қонунбузарга нисбатан асосан маъмурий жазо қўлланилмоқда. Нима учун жазони катъийлаштирмаслигимиз, қонунчилик ҳужжатларини ўзгартирмаслигимиз керак?

Саволга Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари Гулнора Раҳимова жавоб берди. Бу йил давомида 8 мингдан ортиқ бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаган мансабдорлар жазога тортилгани таъкидлаб ўтилди. Аммо жиноий жавобгарликка тортилганлар сони камлигини ҳам алоҳида қайд этди. Бу масала, албатта, кўриб чиқилишини маълум қилди.

### ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ЎРИНЛИ ТАКЛИФЛАР ҲАМ АЙТИШДИ

Депутатлар фракция йиғилиши кун тартибига қўйилган масалаларда таклифларини ҳам баён қилишди. Депутат Мақсуда Ворисова 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг жорий йил тўққиз ойлик ижроси бўйича тақдим этилган ҳисоботда келтирилган айрим бандлар таҳлил қилинганди, охиригача бажарилмагани ёки ресурслар етиб бормаганини қайд этди. Йил якунига қадар уларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

**Фракция аъзоси Анвархон Темиров "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида муҳим бир масалага тўхталиб ўтди:**



- Яна бир масала. Келгуси йил учун бюджет лойиҳасида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган ногиронлиги бўлган хотин-қизларга маблағ ажратилмоқда. Аммо уй-жой олиш учун банкка боришса, иш жойи ва пластик карта сўралапти. Уларнинг кўпчилиги ишсиз ёки меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланади. Шунинг учун меъёрий ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги сабабли ажратилган маблағлар самарасиз қолиб кетмоқда. Ушбу масалани кўриб чиққан ҳолда, амалдаги тартибни енгилаштириш керак, деб ҳисоблайман.

**Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятлов Давлат бюджети лойиҳасида аҳолининг турмуш даражасини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича муҳим вазифалар белгиланганини таъкидлади.**

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий хизматлар сифатини тубдан оширишга хизмат қилиши қайд этилди. Бюджет лойиҳасида соҳага қарийб 20 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилаётгани инсонпарвар сиёсат намунаси бўлаётгани, Давлат бюджетини режалаштиришга доир стратегик ёндашув Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари ҳамда электорат манфаатларига ҳар томонлама мос келиши билдирилди.

Шунинг билан бирга, қатор масалаларда таклифлар ҳам илгари сурилди. Аввало, бюджет соҳасида ўтказилган назорат тадбирлари давомида камомат ва молиявий хатоликлар йилдан-йилга кўпайиши кузатилмоқда. Бу Давлат дастуридаги вазифалар ижроси кечикишига сабаб бўлмоқда.

Давлат бюджети лойиҳасидаги аксарият маблағлар бевосита фуқароларнинг турмуш даражасини ошириш учун йўналтириш режалаштирилган. Мазкур маблағлар мақсадли ва самарали ишлатилиши ижтимоий кайфиятга, мамлакатимизнинг ижтимоий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатишини инобатга олиб, Давлат бюджети лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисидаги Қонунчилик палатасининг қарориди бюджет ижроси бўйича ижро ҳоқимияти ва депутатлик корпусининг олдига аниқ

вазифалар белгилаб бериш лозим.

**Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари узок муҳокама ва қатор савол-жавоблардан кейин Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини копцептуал жиҳатдан маъқуллади.**

### ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ: 443 та бандда назарда тутилган топшириқлар бажарилдими?

Фракциямиз аъзолари шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2023 йил тўққиз ойи якуни бўйича бажарилгани юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқишди.

Ҳисоботда қайд этилишича, Давлат дастурининг жами 443 та яхлит ва кичик бандларида назарда тутилган топшириқлардан 250 тасининг ижро мuddати 2023 йилнинг 9 ойи этиб белгиланган. Шундан 187 та банд (кичик банд)лар тўлиқ бажарилган, 42 тасининг ижроси юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилган, 14 тасининг ижро мuddати белгиланган тартибда узайтирилган.

9 ойда ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,8 фоизни, шундан ялпи ички маҳсулот таркибида саноат 5,7 фоизни, хизматлар 6,5 фоизни ташкил қилган. Давлат бюджети даромадлари 98,8 трлн сўмга ижро этилган. Шундан 76,3 трлн сўм солиқ ҳамда 24,3 трлн сўм божхона тушумлари ҳиссасига тўғри келган.

914 млн долларлик 2009 та лойиҳа мuddатидан олдин ишга туширилиб, 24 мингта янги иш ўринлари яратилишига эришилган.

Депутатлар бюджет маблағларининг катта қисми ижтимоий соҳага ажратилганини ҳисобга олиб, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, ишсиз ва кам даромадли оилаларга ёрдам

қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим тизими каби муҳим вазифаларга йўналтирилган маблағларнинг мақсадли ва манзиллигини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратишди.

Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида 7,7 млн нафар 30 ёшдан ошган хотин-қизлар хатловдан ўтказилиб, уларнинг 1 млн 680 нафари "Аёллар дафтари"га киритилган, 929 813 нафарига ёрдам кўрсатилган. Хусусан, 425 760 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлардан 414 849 нафари янги иш ўринлари ва жамоат ишларига жойлаштирилган. Тадбиркорлик қилиш истагидаги эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 44 956 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилган.

Ёшлар муаммолари ва мурожаатлари билан ишлашнинг янги механизми жорий этилиб, ёшларга "yoshlardaftari.uz" электрон платформаси, "1093" қисқа рақамли колл-маркази ёки маҳалла етакчиси орқали онлайн ариза қолдириш ва мурожаат ҳолати тўғрисида маълумот олиш имконияти яратилган. Ҳисобот даврида ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида ёшлар мурожаатларини кўриб чиқиш мuddати 30 кундан 5 кунга, ёрдам кўрсатиш 40 кундан 16 кунга қисқартирилишига эришилган, етакчилар тавсияси асосида кўрсатиладиган ёрдам турлари 11 тадан 25 тага етказилган.

**Ҳисоботни тинглар экан, депутатлар партия электорати билан боғлиқ масалаларда мутасаддиларга саволлар орқали мурожаат қилди. Ижтимоий соҳадаги масъулларнинг жавобгарлигини кучайтириш, бюджет маблағларининг манзиллигини таъминлашга оид ўз таклифлари, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.**

**Муҳокамалардан сўнг Давлат дастури ижроси бўйича ҳукумат ҳисоботи юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.**

Бу йил Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси катъий кўриб чиқилмоқда, иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Парламент вакиллари деярли ҳар куни вазирлик, идоралар ва ҳукумат вакилларини саволга тутаяпти, таклиф-мулоҳазаларини билдираяпти.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.

O'zbekiston

# ХДП

Xalq demokratik partiyasi

## ҲАЁТИДАН

### ТАРИХИЙ МАСКАНЛАРГА САЁҲАТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши томонидан партия ходимлари ва депутатлар иштирокида Қорақалпоғистон Республикасидаги тарихий ёдгорликларга саёҳат ташкил этилди.

Партия фаоллари Амударё туманидаги "Чилпик" тарихий ёдгорлиги, Беруний туманидаги "Султон Уайс Бобо" зиёратгоҳи, Эллиққалъа туманидаги "Тупроқ қалъа" тарихий ёдгорликлари билан яқиндан танишдилар.

Тадбир иштирокчилари шунингдек, "Ақчакўл" дам олиш масканида саёҳатчилар учун яратилган шароитлар билан танишишди.



### «ЎЗБЕКИСТОН-2030» СТРАТЕГИЯСИ ТАРҒИБОТИ

Ўзбекистон ХДП Зангиота туман кенгаши томонидан тумандаги 22-жазони ўташ колониясида «Ўзбекистон-2030» стратегияси тарғиботи бағишланган тадбир ташкил этилди.

Унда стратегияда белгиланган 5 та устувор йўналишни ўз ичига олган 100 та мақсад ҳақида тушунчалар берилди.

Хусусан, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш, мамлакат суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш бўйича илгари сурилган ғоялар ҳақида сўзлаб берилди.



### ЯШИЛ МАКОН – ЯХШИ ИМКОН

Табиатда яшил ҳудудлар кенгайса, яшил қалқонлар шакллантирилса, бундан фақат фойда кўраемиз, роҳатланамиз, башарият келажиги мустақамланади.

Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгаши депутати М.Бекташева ташаббуси билан Гулистон шаҳар 3-сонли умумтаълим мактаби ҳудудида кўчат экиш ишлари олиб борилди. Ҳашарда ёшу қари фаол иштирок этди.

Юртимизда кенг қўлоқ ёйган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси нафақат бугунимизга балки, яқин ва узок келажимизга дахлдор ҳаётий ҳаракатдир.



### АЁЛЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ЎзХДП Учкўприк туман кенгаши томонидан халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Г. Жўраева иштирокида эрта никоҳ, қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, "Соғлом оила-соғлом жамият" шиори остида оилаларни мустақамлаш, нотинч оилалардаги муҳитни соғломлаштириш масалаларига бағишланган учрашув ўтказилди.

Мулоқот давомида оила мустақамлигини таъминлашда аёлларнинг ўрни, оилавий ажримлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунинг олдини олиш бўйича мутахассислар ва тажрибали онахонлар томонидан фикр, мулоҳазалар билдирилди.



### САЙЁР ҚАБУЛДА МУРОЖААТЛАР ТИНГЛАНДИ

Хива тумани Кенгаши раиси С. Маъмурова ва халқ депутатлари Хива туман Кенгаши депутати Г. Саттарова "Пишканик" МФЙда навбатдаги сайёр қабулини ўтказди.

Қабул давомида кредит олиш, тадбиркорлик, моддий ёрдам олиш, саломатликни мустақамлаш, йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ мурожаатлар тингланди.

Мурожаатларнинг бир қисми жойида ҳал бўлди. Маълум вақт талаб этиладиган мурожаатлар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди.



ЎзХДП Ахборот хизмати.

## SIYOSAT



# ЎЗБЕКИСТОН

## МУЛОҚОТГА ҲАМИША ТАЙЁР

ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ЯКУНЛАНИШИ БИЛАН ДАВЛАТМИЗ РАҲБАРИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ОСТАНАГА ЖЎНАБ КЕТДИ. ЎЗБЕКИСТОН ҲАР БИР СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ ДОИРАСИДАГИ ҲАР БИР СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР БЎЛИШИГА ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ЎРГАНИБ ҲАМ ҚОЛДИ.

АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН 2-3 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТДИ.

ҚОЗОҒИСТОН РАҲБАРИ ҚАСИМ-ЖОМАРТ ТОҚАЕВ РАИСЛИГИДА ЎТГАН ТАДБИРДА ОЗАРБАЙЖОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТУРКИЯ, ВЕНГРИЯ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ ВА ТУРКМАНИСТОН ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ЕТАКЧИСИ ГУРБАНГУЛИ БЕРДИМУҲАМЕДОВ ҲАМ ҚАТНАШДИ.

Кун тартибига мувофиқ, ТДТ доирасидаги кўп қиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Саммитда сўзга чиққан Президентимиз ўз нутқини буюк аждодимиз – қадимий турк давлати асосчиларидан бири **Билга Хоқоннинг "Эй туркий элим, ўзлигингга қайт, ўзингни англа – янада юксалгайсан!",** деган даъвати билан бошлади.

Давлатимиз раҳбари яқинда нишонланган Қозоғистон Республикасининг Мустақиллик куни, Туркий давлати ташкил топганлигининг 100 йиллиги билан қутлаб, Озарбайжон халқини буюк ғалаба – мамлакат худудий яхлитлиги тўлиқ тиклангани билан чин юракдан самимий табриклади.

Президентимиз нутқида бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган замонда тили, дини ва юраклари бир-бирига чамбарчас боғланган туркий халқларнинг овози дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграётганини таъкидлади.

Туркий давлатлар ташкилоти бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда. 160 миллион аҳолини қамраб олган ташкилотимиз худуди катта иқтисодий имкониятлар макони эканлиги қайд этилди.

Ўзбекистон етакчиси ташкилотга Ўзбекистоннинг раислиги даврида амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, Ўзбекистон раислиги даврида юздан ортиқ турли тадбирлар ўтказилди, муҳим ташаббуслар илгари сурилди. "Туркий нигоҳ – 2040" концептуал дастури асосида амалий ҳамкорликнинг янги ва янада самарали механизмлари яратилди. Туркий

» **Кун тартибига мувофиқ, ИХТ доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда ушбу кўп томонлама тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилиши кўзда тутилмоқда.**

давлатлар Касаба уюшмалари ташкилоти, Фазо тадқиқотлари академияси, Жўроғий кенгаш, Кургоқчиликни бартараф этиш институти, Нотариал идоралар уюшмаси каби

янги тузилмалар иш бошлади. Қатор нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг турли ихтисослашган институтлари, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан яқин шериклик алоқалари ўрнатилгани келтириб ўтилди.

Шунингдек, Президентимиз глобал хавфсизлик масаласига ҳам тўхталиб ўтди.

– Барчамиз гувоҳ бўлаяпмиз, бугунги кунда жаҳон миқёсида ишонч инқирози тобора авж олмақда. Глобал хавфсизликни таъминлашда янги муаммолар юзга келмоқда ва халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш ҳолатлари кучаймоқда.

Айниқса, Яқин Шарқда узоқ вақтдан буён давом этаётган Фаластин – Исроил муаммосининг ниҳоятда хавфли тус олгани барчамизни жиддий хавотирга солмоқда. Қуролли тўқнашувда тинч аҳоли, айниқса, кексалар, аёллар ва болалар орасида қурбонлар ва жароҳат олганлар сони кескин ортиб, низонинг кенг ёйилиб кетиш хавфи кучаймоқда.

Шу муносабат билан томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларга барҳам бериб, ўт очишни тўхтатишга, гуманитар мақсадларда муросага келишга чақирамиз.

Маъмур муаммонинг ягона ва энг адолатли ечими – низони "икки халқ учун икки давлат" тамойили асосида ҳал этишдир.

Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияларида белгиланганидек, мустақил давлат барпо этиш ҳуқуқи эга. Биз Ташкилотимиз доирасида бу борадаги яқдил ва қатъий позициямизни бутун дунёга эълон қилишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари бир қатор жуда долзарб ва чуқур асосланган тақлифларни илгари сурган.

– **Биринчидан**, Ташкилот доирасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва очиқлик тамойилларини мустаҳкамлаш, биргаликда турли тўсиқларни самарали енгиб ўтиш бош мақсадимиздир.

Шу муносабат билан Туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган "Туркий дунё хартияси"ни ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Ушбу ўзига хос рамзий қомусни соҳанинг етук олимлари ва экспертлар иштирокида тайёрлашни;

**иккинчидан**, шу кунларда Туркий инвестиция фонди ўз ишини бошлайди. Давлатларимиз ўртасида саноат кооперациясини кучайтириш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида кейинги босқичда Туркий тараққиёт банкини ташкил этиш ишларини ҳам фаоллаштиришимиз кераклиги, ушбу молия муассасасини Тошкент шаҳрида жойлаштиришга тайёрлигимизни;

**учинчидан**, Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича бошланган амалий ишларни тўлиқ маъқуллаймиз. Келгусида Марказ имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда, биргаликда савдо тўсиқларини бартараф этиш, экспорт-импорт ҳажминини кўпайтириш бўйича янги механизмларни кенг жорий қилиш, электрон савдо платформаларини ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги;

**тўртинчидан**, глобал логистика занжирлари ва транспорт йўлақларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш, ягона транзит тармоғини шакллантириш масалалари долзарб аҳамиятга эгалиги;

Юк ташувларига ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида Ўрта коридор салоҳиятини кенгайтириш чораларини қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, қўшимча кўптармоқли йўналишларни, жумладан, Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига мамлакатларимиз орқали ўтадиган коридорларни ривожлантириш ҳамда транспорт хизматларини рақамлаштириш тарафдори эканлигимизни;

**бешинчидан**, экология соҳасида кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигимиз;

**олтинчидан**, туркий цивилизацияни юксалтириш ғояси технология тараққиёт ва илгор билимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлиқлиги давлатимиз раҳбарининг нутқидан ўрин олган.

Президентимиз сўзи якунида, Давлат раҳбарлари кенгашида раисликни қабул қилиб олаётган Қозоғистон Республикаси Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Тоқаевга улкан зафарлар тилаган.

Икки кун давом этган туркий дунё етакчилари саммитининг ўзига хос жиҳатларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга **туркий халқлар оиласининг бирлигини мустаҳкамлашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқаро майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун юксак мукофот – "Туркий дунёнинг олий ордени"** билан тақдирланиши бўлди. Саммитда билдирилган фикрлар, илгари сурилган тақлифлар ташкилотнинг нуфузи кундан-кунга ошаётгани, институционал тузилмалари такомиллашиб бораётганини ангаш қийин эмас.

Туркий давлатлар ташкилотининг бу галги йиғилишида ҳам Президентимиз биз туркий дунё билан бирга эканлигимизни, туркий дунё равнақ топиши ҳаммамиз учун манфаатли эканини яна бир бор таъкидлади.

### ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ҲАЁТИЙ ҲАМКОРЛИКДИР

Халқаро майдонда содир бўлаётган беқарор вазият фондида яна бир йирик ташкилот Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 8-9 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида саммити бўлиб ўтиши режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтадиган ушбу саммит ташкилотнинг ўн олтинчи саммити бўлади.

Тадбирда Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ва Туркиянинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари (Афғонистондан ташқари барчаси) иштирок этиши кутилмоқда.

Кун тартибига мувофиқ, ИХТ доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда ушбу кўп томонлама тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон маъмур ташкилотнинг 1992 йилдан бошлаб аъзоси саналади. Ташкилотга эса 1985 йилда асос солинган. Димий фаолият юритувчи котибияти Техрон шаҳрида жойлашган.

Бугунги кунда ташкилотга 10 та давлат аъзо. Ташкилотга аъзо давлатларнинг аҳолиси сони 500 миллиондан ортиқ. Бу катта демографик кўрсаткич ҳисобланади. Таққослаш учун Европа Иттифоқи аҳолисининг умумий сонидан деярли 100 млн.га кўпроқ, дегани. Худуди ҳам қарийб икки баробарга каттароқ.

Ташкилотга аъзо давлатлар аҳолисининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қилувчилардир. Бу халқларни чамбарчас бирлаштирувчи омиллардан бири тарихий илдишларнинг туташлигидир. Аъзолар орасида нафақат яқин минтақаларда, балки бутун қитъа ва халқаро майдонда ўз сўзини айтadиган давлатлар бор.

Ташкилотнинг бундан олдинги саммити 2021 йил 28 ноябрда Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган.

Тобора мураккаблашиб бораётган дунёда иқтисодий ҳамкорлик, унинг реал натижалари муҳим. Ҳамкорлик хавфсизлик масаласи билан ҳам чамбарчас боғлиқлигини халқаро экспертлар таъкидлаётгани бежиз эмас.

Ҳар бир саммит, қайси давлатда бўлишидан қатъи назар, ўша давлатга юксак ишонч ва ҳурматнинг белгиси ҳамдир. Ўзбекистон яна бир йирик саммитга мезбонлик қилади.

## MUNOSABAT

## ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ:

ЯНГИ ДАВР  
БОШЛАНМОҚДА

ОРТДА ҚОЛАЁТГАН 2023 ЙИЛ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИЧА ҚИЁФАСИНИ КАШФ ҚИЛИШ ЙИЛИ БЎЛДИ. ЭНДИ БОШЛАНГАН НОЯБРЬ ОЙИНИНГ БИРИНЧИ ЎН КУНЛИГИДА БЎЛАЁТГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАР ҲАМ ФИКРИМИЗНИ ИСБОТЛАБ ТУРГАНДАЙ ГЎЁ.

МАСАЛАН, 1-2 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЭММАНУЭЛЬ МАКРОН ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ. БУ ФРАНСУА МИТТЕРАННИНГ 1994 ЙИЛГИ ТАШРИФИДАН КЕЙИНГИ ФРАНЦУЗ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ТАШРИФИ БЎЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ БИР ҚАТОР АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ МАВЖУД.

Жумладан, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, бизнинг мустақиллигимизни фарба биринчилардан бўлиб тан олган давлат айнан Франция бўлган. Қолаверса, тарихга назар ташласак, Амир Темур билан ҳам доимий алоқа олиб борган фарб давлатларидан бири ҳам Франция бўлган.

Франция “Катта еттилик”ка кирувчи, дунё сиёсати, геосиёсати ва иқтисодий-тифта ўз ўрни ва сўзига эга давлат ҳисобланади. Франциянинг ялпи ички маҳсулот ҳажми тахминан 3,7 триллион доллар бўлиб, дунёда биринчи ўнликка киради. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзосидан бири. Франция Евроиттифоқнинг ташки сиёсатида ҳам, ички сиёсатида ҳам асосий ҳал қилувчи давлатлардан бири саналади. Франция билан яқин алоқалар Ўзбекистон учун Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни кенгайтиради ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишимизни тезлаштиради.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон – Франция музокараларидан ҳам муносабатлар янги босқичга кўтарилаётганини англаш қийин эмас.

Масалан, товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони бир неча баробарга ошди. Амалдаги ва истиқболли лойиҳалар портфели 10 миллиард евродан ошмоқда.

Иил бошидан ўзаро савдо ҳажми уч баробар, кейинги йилларда қўшма корхоналар сони тўрт баробар кўпайди. Франция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишончли мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини, шунингдек,

мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлишини ҳамда Евроиттифоқ билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим тез фурсатда имзоланишини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон – Франция шериклигини кенгайтириш бўйича тўртта энг устувор йўналишни кўрсатиб ўтди ва қатор ташаббусларни илгари сурди.

**Биринчиси**, мамлакатимиз “яшил” энергетикадек муҳим соҳада стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр экани таъкидланди. Бу борада “EDF”, “Voltaia” ва “Total Energies” компаниялари билан йирик лойиҳалар бошланган.

**Иккинчиси**, кооперациянинг яна бир муҳим йўналиши сифатида стратегик хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва илғор технологиялар асосида санот маҳсулотларини ишлаб чиқариш қайд этилди. Бу соҳада “Orano” компанияси билан шерикликни кенгайтириш режалари борлиги таъкидланди.

**Учинчиси**, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва замонавий инфраструктурани барпо этиш муҳим устувор йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилди. “SUEZ”, “Eiffage” ва “Veolia” компаниялари билан биргаликда юртимиз сув таъминоти ва иситиш тизимларини модернизация қилиш бўйича катта ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

**Тўртинчи** муҳим йўналиш сифатида қишлоқ хўжалигида рақобатбардошликни ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилди. Шу муносабат билан мамлакатимиз ҳудудларида замонавий агрологистика мажмуаларини қуриш бўйича Франция билан фаол ҳамкорлик қилиниши қўллаб-қувватланди.

Франция Президенти Эммануэль Макрон ҳам бизнес форум иштирокчиларига мурожаат қилиб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, ушбу сиёсат туфайли икки томонлама инвестициявий ҳамкорлик учун катта имкониятлар очилганини қайд этди. Ўзаро манфаатли шерикликда мавжуд улкан салоҳиятни янада фаол ишга солишга қақирди, бундан

мамлакатларимиз иқтисодийлари ва халқлари манфаат топишига ишонч билдирди.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Қўшма баёнот қабул қилдилар.

Ҳужжатда икки давлатнинг ўзаро муносабатларини стратегик шериклик даражасига кўтариш нияти қайд этилган.

Икки томонлама ҳамкорликнинг жорий ҳолатига ҳамда турли соҳаларда давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш истиқболларига баҳо берилган, томонлар халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга, долзарб глобал ва минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал қилишга интилиши таъкидланган.

Етакчилар ҳузурда молия, таълим, маданият ва икки томонлама ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари бўйича 8 та икки томонлама ҳужжат имзоланди. Жумладан:

– “Самарқанд Француз Альянси”ни ташкил этиш ва унинг фаолияти тўғрисида ҳукуматлараро битим;

– Ўзбекистонда ичимлик суви таъминоти инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳукуматлараро молиявий баённома-лар;

– Ўзбекистонда Франция тараққиёт агентлиги ва “ПРОПАРКО”ни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида баённома;

– Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида дипломатик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида декларация;

– мактабгача, мактаб, профессионал ва олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик бўйича баённома;

– маданий мерос соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида декларация;

– профессионал ва техник таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди.

Учрашувларда туризм соҳасидаги ҳамкорлик масаласида ҳам фикрлар алмашилди. Дунё туризмида Франциянинг ўрни бекиёс. Сайёҳлар ташрифи бўйича ҳам Франция дунё рейтингда энг юқори погоналарни банд қилади. Биз туризмининг ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳасида Франциядан андоза олсак арзийди. Чунки бу соҳада Франциянинг ҳар қандай давлат ўрнат олса арзигулик тажрибаси бор.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар қандай давлат билан тенг ҳамкорлик муҳим. Айниқса, у дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга, жаҳоннинг йирик куч марказларидан бири бўлса.

Ўзбекистон номининг жаҳон саҳна-сида тобора кўпроқ, кучлироқ янграётганига, ҳамма учун жозибдор кўри-наётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Яъни, Ўзбекистоннинг тарихий юксалиши, давлат сифатида камолга етиши фахрла-нишга арзийди.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,**  
сиёсий шарҳловчи.

## ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИ:

СУҲБАТ ҚИЗГИН,  
МУҲОКАМАЛАР  
ФАОЛ,  
ТАКЛИФЛАР  
ЎРИНЛИ

25-28 октябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишди. Юзма-юз мулоқотларда сайлов тартибига оид қонун лойиҳаси аҳолига тушунтирилди, қонунчиликка доир таклифлар билан танишилди, шунингдек, ҳудудларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг ҳолати ўрганилди. Кундалик ҳаётда дуч келинаётган ҳуқуқий масалаларда маслаҳатлар берилди.

Айтиш керакки, учрашувлар давомида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан аҳоли вакилларининг муносабати, мулоҳазалари тингланди.

Чортоқ туманида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Шохиста Турғунованинг фуқаролар билан юзма-юз мулоқотлари амалий руҳда ўтди. Дастлаб “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг бешта устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсад, унинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Депутат ушбу Конституциявий қонун лойиҳасининг бугунги кундаги аҳамияти, унда белгиланаётган нормаларнинг мазмун-моҳияти хусусида тўхтади. Қонун лойиҳасида сайлов тизimini такомиллаштиришга оид бир қанча янгиликлар борлиги, хусусан, Сайлов кодексига ҳамда 7 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилаётгани ҳақида батафсил тушунтириш берди.

\* \* \*

Парламент қуйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Мавжуда Ҳасанова Сурхондарё вилоятининг бир қатор туман ва шаҳарларида бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди.

Термиз давлат университетига ўтказилган “Депутатлар корпусини шакллантиришда мажоритар-пропорционал сайлов тизими жорий этилишининг аҳамияти” мавзусидаги давра суҳбатида иштирокчилар Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти билан таништирилди.

**Мавжуда Ҳасанова,**  
фракция аъзоси:

– Конституциявий қонун лойиҳасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказиш, сайлов органларининг марказлашган тизimini шакллантириш, сайлов комиссиялари тизimini мақбуллаштириш, Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш белгиланмоқда. Ушбу муҳим ҳужжат билан сиёсий жараёнларимизга жуда катта янгилик таъбиқ этил-япти. Яъни, Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати амалдагидек мажоритар тизим асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари эса партия рўйхати бўйича янги таклиф этилаётган пропорционал тизим асосида ягона сайлов округидан сайланиши белгиланмоқда.

Айтиш керакки, қонун лойиҳасини такомиллаштириш мақсадида шу йил 10 октябрь кундан 24 октябрь кунига қадар жамоатчилик муҳокама-сига қўйилган эди. Жамоатчилик муҳокамалари давомида қонун лойиҳаси юзасидан 400 га яқин таклиф-мулоҳазалар келиб тушди. Ушбу таклифлар ишчи гуруҳимиз томонидан ўрганилиб, мақбуллари лойиҳага киритилмоқда.

Мулоқот давомида саволларга батафсил жавоблар, кундалик ҳаётда дуч келинаётган ҳуқуқий масалаларда маслаҳатлар берилди.

\* \* \*

ЎзХДП фракцияси аъзолари Ўрал Ўрозбоев ҳамда Зулайхо Акрамова ўз сайловчилари билан Дўстлик туманида “Сайлов органлари тизими такомиллаштирилишининг ўзига хос жиҳатлари” мазмун-моҳиятига бағишланган учрашувда самимий мулоқот ўтказишди.

Таъкидландики, фуқароларнинг мамлакат бошқарувида янада кенг иштирокини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда сайлов қонунчилиги изчил такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституцияимизда ҳам сайлов тизими оид қатор муҳим нормалар ўз аксини топгани бунга яққол мисолдир.

– Сайлов кодексига сайлов комиссияларининг вертикал тизimini назарда тутувчи қоидалар, хусусан “Марказий сайлов комиссияси – ҳудудий сайлов комиссияси – туман ва шаҳар сайлов комиссияси – округ сайлов комиссияси – участка сайлов комиссияси” тузилмаси таклиф этилмоқда, – деди депутат Зулайхо Акрамова. – Бунда вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ўрнига ҳудудий сайлов комиссиялари тузилиши назарда тутилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларини тузиш тартибидан воз кечиш ҳамда уларнинг вазибаларини ҳудудий сайлов комиссияларига юклаш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳаси бўйича кенг жамоатчилик муҳока-маси давомида бир қатор таклифлар келиб тушди. Ҳар бир таклиф долзарблиги, Конституция нормаларига, давлат сиёсатининг устувор йўналишларига, белгилаб олган стратегиямизга ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келмаслиги каби мезонлар асосида саралаб олинди. Уларнинг аксарияти лойиҳада акс эттирилди.

Умуман олганда, қонунчиликдаги ушбу ўзгаришлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунчилик-ни янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлаштирилади, шу билан бир қаторда, парламентни шакллантиришининг янги замонавий тизimini йўлга қўйишга хизмат қилади.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

# МАРКАЗИЙ БАНКДА

## 2 та қонун лойиҳаси муҳокама қилинди

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банкида журналист  
ва блогерлар учун "Банк тизими  
барқарорлигини таъминлашда  
банкларни санация қилиш  
ва омонатларни кафолатлаш  
тизимларининг аҳамияти"  
мавзусида медиа-мулоқот  
ўтказилди.**

Жаҳон тажрибаси асосида мамлакатимиз банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган 2 та янги – "Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида"ги ҳамда "Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг моҳияти, улар билан амалдаги қонунчиликка киритилиши кўзда тутилган аниқликлар хусусида мутахассислар батафсил тushунтириш беришди.

"Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида бир қатор янгиликлар мавжуд. Жумладан, банкни санация қилиш тўловга қобилиятсиз банкни бошқаришнинг усули эканлиги кўрсатилиб, банкни санация қилишда тизимли молиявий инқироз вужудга келишининг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларини камайтириш, омонатчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муайян банкни санация қилиш учун давлат бюджетидан маблағлар ажратилиши максимал даражада қисқартириш тақлиф этилмоқда.

"Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасида банклардаги кафолатландирилган омонатлар миқдори аниқлаштирилмоқда, банкларни санациялашда фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди маблағларидан фойдаланиш, омонатлар тўлаб



берилиши муносабати билан омонатчиларнинг банкдан устувор равишда талаб қилиш ҳуқуқини ушбу фондга ўтказиш, фондга тўлаб берилиши лозим бўлган маблағлардан тўланган бадалларни чегириш амалиётини бекор қилиш тақлиф этилмоқда.

– Янги қонун лойиҳасида компенсация тўлаб берилиши учун талаб этиладиган вақтни сезиларли қисқартириш назарда тутилмоқда, – дейди Марказий банк департаменти директори Санжар Носиров. – Омонатчиларга компенсациянинг зудлик билан тўлаб берилиши банк тизимидан омонатларнинг оммавий чиқиб кетишининг олдини олади. Фонд 2025 йилнинг 1 январидан бошлаб кафолатлаш ҳодисаси юзага келган санадан эътиборан йигирма иш куни ичида тугатилаётган банк омонатчиларининг камида тўртдан уч қисмига компенсация олиш имкониятини таъминлаши керак бўлади. 2026 йилнинг 1 январидан бошлаб кафолатлаш ҳодисаси юзага келган санадан эътиборан ўн беш иш куни ичида таъминлайди. Бунда туга-

тувчи фондга ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган реестрни саккиз иш куни ичида тақдим этади. Кафолатлаш ҳодисаси юзага келган санада фонд компенсацияни ҳақиқатда тўлашдан қатъи назар омонатчиларнинг тугатилаётган банкка бўлган талаблари кафолатланган омонатлар суммасига тенг миқдорда фондга ўтади. Фонднинг тугатилаётган банкка бўлган талабларини қаноатлантириш "Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида"ги қонунда белгиланган талабларни қаноатлантириш навбатига мувофиқ амалга оширилади.

Шунингдек, медиа-мулоқотда ҳар иккала қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлар тажрибаси, олимларнинг фикрлари батафсил ўрганиб чиқилгани таъкидланди. Шу билан бирга, тадбир иштирокчилари ушбу қонунлар лойиҳаларидан кутилаётган янгиликлар ҳақида қўшимча маълумотларга эга бўлишди.

Тоштемир МУРОД.

### ҲАМКОРИМИЗ

# АҚЛЛИ СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАР ЎРНАТИЛАДИ



**Бу ҳақда "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамияти ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродов маълум қилди.**

– Сув ҳисоблагичларни ўрнатиш сувдан оқилонга фойдаланиш билан бирга, ичимлик суви ва канализация хизматлари учун тўловларни ҳам сезиларли даражада тежайди, – дейди А.Муродов. – Шу боисдан, 2024 йил 1 январдан бошлаб барча юридик истеъмолчилар ақлли сув ҳисоблагичларни ўрнатишлари шартлиги белгиланган бўлади.

Барча соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳаларнинг бош мақсади халқимизнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Кейинги йилларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолининг қарийб 74,4 фоиздан ортиғи марказлашган қувурлар орқали ичимлик суви билан таъминланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, истеъмол қилинадиган ичимлик суви умумий ҳажмининг 74 фоизи фойдали сув сарфи, 26 фоизи эса йўқотишди. Сувни йўқотиш билан курашининг энг самарали воситаси истеъмолчиларга этикази берил-

диган сувни ҳисобга олиш, яъни сув ҳисоблагичлари ўрнатишдир. Бу борадаги вазифаларни амалга ошириш қонунчилигимиз билан ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова суви хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи истеъмолчиларга ҳудудий сув таъминоти корхоналарига масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатилиши белгиланган.

Шу билан бирга, 2024 йил 1 январдан бошлаб масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичларни ўрнатмаган юридик шахс ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи истеъмолчиларга сувни ҳисобга олиш ускунаси билан таъ-

минланмаган истеъмолчилар сифатида ҳисоб-китоб амалга оширилиши белгиланган.

Ваколатли ташкилотлар билан тасдиқланган, ЎзДст 3642:2023 ҳамда ЎзДст 3643:2023 умумий техник талабларга жавоб берадиган, Адлия вазирлигида рўйхатга олинган сув ҳисоблагичларни ўрнатиш лозимлиги эслатиб ўтилади.

«Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти ягона биллинг базаси «UzWater» билан интеграция бўлган, замонавий сув ҳисоблагичлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилари ҳамда хорижий ишлаб чиқарувчиларининг республикамиздаги дилерлари томонидан тақдим этиладиган ҳисоблагичлар тавсия қилинади. Аҳоли ўртасида сув таъминоти билан боғлиқ сервис хизматларига бўлган талаб юқори эканлиги ўтказилган мониторинг ва ўрганишлардан маълум бўлмоқда. Шу сабабли кенг тармоқли сервис корхонаси фаолиятини йўлга қўйишга эҳтиёж туғилди ва соҳага оид

қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида жорий йилдан «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти таркибиде «Сувўлчачиқхизмати» акциядорлик жамияти фаолияти йўлга қўйилди. Албатта, ушбу корхонанинг асосий мақсади сув ўлчачилар билан боғлиқ жараёнлар, яъни ҳисобдонларни давлат қиёсловидан ўтказиш, таъмирлаш ва ўрнатиш каби хизматларни амалга оширишга қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, сув ҳисоблагичларни ўрнатиш орқали нафақат сувдан оқилонга фойдаланиш, балки ичимлик суви ва канализация хизматлари учун тўловларни ҳам сезиларли даражада тежайди имкони ошади. Шундай экан, барча турдаги истеъмолчилар сув ҳисобдонларидан фойдаланган ҳолда, истеъмол маданиятини шакллантиришлари мақсадга мувофиқдир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
"Ўзбекистон овози"  
мухбири.



## БИЛАСИЗМИ?

### ПЕНСИЯГА ҚЎШИЛАДИГАН УСТАМА ҲАҚЛАРДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

Қонунчиликка кўра, белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар куйидаги миқдорларда белгиланади:

- I гуруҳ уруш ногиронларига — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 150 фоизи;
- II гуруҳ уруш ногиронларига — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 125 фоизи;
- кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 100 фоизи;
- I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 75 фоизи;
- II гуруҳ ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 75 фоизи;

- уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 50 фоизи;

- 1941 — 1945-йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарасида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг — 30 фоизи;


- вафоти ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларидаги, Миллий гвардиядаги хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари, Миллий гвардия ходимларининг ота-оналарига ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига) — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 75 фоизи.

- Ўзбекистон олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 100 фоизидан 150 фоизигача.

- ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиб ҳуқуқига эга бўлган артистларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 75 фоизи;

- театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига, Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг — 50 фоизи.


Маълумот учун: ҳозирда пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – 347 000 сўмни ташкил этади.



Қонунчиликка кўра, давлат ёнгин назорати органларининг ижобий хулосасини олмасдан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини аукционга чиқариш, қурилиш объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тақиқланади.

Бунда:


- давлат ёнгин назорати органлари томонидан хулоса бериш мuddати 7 кун этиб белгиланади;
- давлат ёнгин назорати органларига лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш учун мазкур ҳужжатларнинг барча қисмлари тақдим этилади.



"Умра" тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишга оид хизматларни кўрсатувчи туристик фаолиятни амалга ошириш лицензияси мавжуд ташкилотларга нисбатан қуйидаги қўшимча лицензия талаб ва шартлари қўлланилади.

- камида 100 минг АҚШ доллари эквивалентидаги маблағларни Хавфсиз туризм жамғармасига захирага қўйиш;
- зиёратчиларнинг гуруҳ раҳбари этиб Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутахассисларини тайинлаш;
- туроператор штатида диний (исломий) мутахассиснинг бўлиши;
- хизматларни воёга етмаган фуқароларга кўрсатмаслик;
- хизматларини Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги ҳамкор ташкилот орқали амалга ошириш.

Бунда улардан лицензияни қайта расмийлаштиришда аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим ва лицензия учун давлат божи ундирилмайди.



"Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг сув ресурсларини тежай ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши доирасида:

- ижобий экологик экспертиза хулосасини олмаган объектларга нисбатан молиялаштириш, кредитлаш ва бошқа молия операцияларини тўхтатиб туриш механизми жорий этилади;
- экологик ҳуқуқбузарлик содир этганларга нисбатан зарарни қоплаш билан бир қаторда, зарар етказилган табиат объектини тиклаш ва унинг муайян мuddат давомида муҳофаза қилинишини таъминлаш мажбурияти юкланади.

## XABARINGIZ BORMI?



# 2024 йил. Солиқлар ўзгарадими?

ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ БЮДЖЕТНОМАДА 2024-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНАЁТГАН СОЛИҚ ВА БОЖХОНА СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ.

УНГА КЎРА, Фойда солиғининг базавий ставкаси 15 фоиз, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 фоиз, ижтимоий солиқ 12 фоиз (бюджет ташкилотлари учун 25 фоиз), айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкаси 4 фоиз, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,5 фоиз миқдоридан сақлаб қолинади. Ер қаъридан фойдаланганлик учун цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳақтош бўйича белгиланган ставка 2 баробарга, яъни солиқ ставкасини хом ашёнинг 1 тоннаси учун 22, 5 минг сўмдан 11, 2 минг сўмгача пасайтириш кўзда тутилмоқда.

## ШАКАРЛИ ВА ГАЗЛИ

2024 йил 1 апрелдан таркибида шакар мавжуд бўлган газланган ичимликларнинг 1 литри учун 500 сўм миқдоридан акциз солиғини жорий этиш таклифи қилинмоқда. Ундан тушган маблағларни тўлиғича тиббиётни ривожлантириш жамғармасига йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таркибида шакар ва бошқа турдаги ширинлантирувчи моддалар қўшилган газланган алкогольсиз ичимликларни кўп истеъмол қилиш орқиларча вазн пайдо бўлиши, қандли диабет, кармес каби касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлишини инobatта олиб, уларга қўшимча солиқ киритишни тавсия этган.

Таркибида шакар ёки бошқа турдаги ширинлантирувчи моддалар мавжуд бўлган ичимликларни солиққа тортиш дастлаб Бельгия, Финляндия, Франция, Венгрия, Ирландия, Латвия, Монако, Норвегия, Португалия ва Буюк Британия каби давлатларда жорий этилган ва ушбу амалиёт 2016 йилдан кейин бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалган. Бугунги кунда 50 дан ортиқ мамлакатларда мазкур турдаги ичимликлардан акциз солиғи ундириб келинмоқда. Бундай солиқ МДХга аъзо давлатлар – Россияда, Қирғизистонда, Тожикистонда ва Озарбайжонда ҳам, албатта, Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳам жорий этилган.

## СОЛИҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

2024 йил 1 январдан бошлаб алкогольли ичимликларга акциз солиғи ставкасини икки баравар – бир литри учун 7400 сўмдан 14900 сўмгача ошириш таклифи этилмоқда. Алкоголли маҳсулотларга акциз солиғи 1 июлдан 5 фоизга оширилади. Импорт қилинган ароқ, коньяк ва бошқа спиртли ичимликларга акциз солиғи ЖССТ талаблари доирасида ставкалар ўртасидаги фарқни камайтириш учун 5 фоизга камайтирилади.

2024 йил 1 апрелдан зарарли газлари юқори бўлган бензинга акциз солиғи ставкаси 12 фоизга индексланади (1 литр

Аи бензини 1 фоизга ёки 88 сўмга, метан 3 фоизга ёки 84 сўм), шу билан бирга, октан миқдори 91 ва ундан юқори бўлган бензинга акциз солиғи ставкалари ўзгартрилмаган.

2024 йил 1 июлдан бошлаб битта автомобиль шинаси оғирлигидан (ҳар бир кг) келиб чиққан ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,3 фоизи (990 сўм) миқдоридан утилизация тўловини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Енгил автомобиль шиналари оғирлигидан келиб чиққан ҳолда (R13 дан R20 гача) тўлов 6200 сўмдан 16 200 сўмгача, юк автомобиллари учун (R16 дан R18 гача) 11 300 сўмдан 58 800 сўмгача бўлади.

Қайта ишладан тушган маблағлар «Яшил макон» дастури ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилиши режалаштирилган.

Шунингдек, оғирлиги 10 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобиллари учун республика ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларига юк автомобилларидан етказилган зарарни ҳисобга олган ҳолда БХМнинг беш баравари миқдоридан (1,65 миллион сўм) йўл солиғи ундирилади. Маблағлар автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасига йўналтирилади.

## МУЛК СОЛИҚЛАРИ

Мулкни ижарага берувчилар учун 2024 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслар учун энг кам ойлик ижара тўловлари қуйидаги миқдорларда (амалда бундай) белгиланиши мумкин:

- Тошкент шаҳридаги турар жойлар кв/метрга 25 000 сўм, вилоят марказларида 12 000 сўм, бошқа ҳудудларда 5 000 сўм;
- Тошкент шаҳридаги нотурар жой бинолар кв/метрга 40 000 сўм, вилоят марказларида 23 500 сўм, бошқа ҳудудларда 10 000 сўм;
- енгил автомобиллар учун ойлик ижара ҳақи (ҳайдовчи ўриндиғи 8 дан кўп бўлмаган транспорт воситалари) – 780 минг сўм, микроавтобуслар, автобуслар ва

юк машиналари учун – 1,55 миллион сўм.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига бозордаги реал ижара нархларидан келиб чиқиб, 3 баробаргача ошириш коэффициентини қўллаш ҳуқуқи берилиши мумкин. Жисмоний шахслардан мулкни ижарага беришдан олинмаган даромад солиғининг 10 фоизини маҳалла бюджетига ўтказиш сўралади.

Шу билан бирга, давлат улуши устун бўлган корхоналар учун барча конлар, шу жумладан, янги конлар бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланиши мумкин:

- Навоий кон-металлургия комбинати (НКМК), Олмалик кон-металлургия комбинати (ОКМК) олтин учун 10 фоиз, палладий, күмүш ва мис учун 15 фоиз, уран учун – 16 фоиз;

- Цемент ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳақтошнинг 1 тоннаси учун 22 500 сўм бўлган солиқ ставкаси 11 250 сўмгача пасайтирилади. Фақат кўмир ҳисобига ишлайдиган цемент заводлари учун белгиланган пасайтирилган солиқ ставкалари ҳам бекор қилиниши кутилмоқда.

## ТЕНГ ШАРОИТ

Қўшимча қиймат солиғи занжирининг яхлитлиги ва узлуқсизлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорларга тенг шароитлар яратиш мақсадида 2024 йил 1 апрелдан бошлаб ҚҚС бўйича қуйидаги имтиёزلарни бекор қилиш таклифи этилмоқда:

- дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария буюмларини, шунингдек, дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария буюмларини ишлаб чиқариш учун хом ашёни олиб кириш ва реализация қилиш айланмаси;

- тиббий ва ветеринария хизматлари.

Шу билан бирга, ижтимоий реестрга киритилган фуқаролар дори воситаларини сотиб олаётганда қўшилган қиймат солиғи суммасини кешбэк орқали қайтариши мумкин бўлади. Шунингдек, 2024 апрель ойидан аҳолига сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти соҳасида кўрсатилаётган хизматлар учун ҚҚСнинг “нол” ставкасини бекор қилиш таклифи этилмоқда. Ўзбекистон ҳудудида хизмат кўрсатувчи хорижий жисмоний шахсларга қўшилган қиймат солиғини ундириш орқали солиқ тўловчилар тоифасини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Апрель ойидан электрон тижорат иштирокчилари учун даромад солиғи (7,5 фоиз) ва айланма солиғи (2 фоиз) бўйича имтиёзли солиқ ставкаларини бекор қилиш таклифи қилинмоқда. Қолаверса, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг йиллик даромади 100 миллион сўмдан ошса, 4 фоизлик ставкада (яқка тартибдаги тадбиркорларнинг айланма солиғи сифатида) солиқ солиш тартибини белгилаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, айрим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари, янги қурилиш ва махсус техника, шунингдек, юк ташиш ва туристик хизматлар учун автотранспорт воситаларини олиб киришда назарда тутилган божхона тўловларининг “ноль” ставкалари амал қилиш мuddати тугамоқда.

Ўз мухбиримиз  
тайёрлади.

## МУТАХАССИС ФИКРИ

Гриппга қарши  
вакциналарнинг  
самарадорлиги  
90 фоизни  
ташқил этади



**Дилором ТУРСУНОВА,**  
Санитария-эпидемиологик осойишталик  
ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўлим  
бошлиғи:

— Грипп — “оёқда ўтказиладиган” касаллик эмас! Уни оддий шамоллаш деб ўйлаб, ўзбошимчалик билан даволаниш ҳам нотўғри. Чунки бу хасталикнинг ўзидан кўра асоратлари кўпроқ хавфли.

Негаки, грипп вируси қон томирлари деворларининг касалликларга нисбатан химоя қобилиятини сусайтириб юборади. Шу сабабли инфекциялар қон оқими орқали ички органларга етиб бориб, яллиғланиш ўчоқларини ҳосил қилади.

Оқибатда у пневмония, бронхит, юқори нафас йўллариининг иккиламчи бактериал инфекциялари, асаб ва юрак-қон томир тизими касалликлари ҳамда қандли диабет каби хасталикларни келтириб чиқаради. Энг ёмони, ушбу дарддан ўз вақтида даволанмаслик ўлим ҳолатларига ҳам сабаб бўлиши мумкин.



Бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таҳлилий ҳисоботи бор. Унга кўра, дунё бўйича йилига 650 минг нафарга яқин инсон мавсумий гриппдан вафот этади. Қолаверса, ушбу вирус турли сурункали касалликларнинг ривожланиши учун қулай муҳит яратиши билан хавфли.

Мана, ҳозир барча ёшдаги инсонлар, айниқса болалар ва ўсмирлар орасида грипп вирусини кўп учрайдиган мавсум. Қўтарилиш даври одатда ноябрь ойидан бошланиб, март ойигача давом этади.

Мутахассис сифатида бундай пайтда хасталиқдан ишончли ҳимояланиш учун унга қарши эмланишни тавсия этамиз. Бу — энг самарали ва катта сарф-харажат талаб этмайдиган усул.

Қолаверса, вакцина хавфсиз ва юқори таъсирга эга бўлиб, йиллик касалланиш ва ўлим ҳолатларини етарлича камайтиради. Яъни замонавий гриппга қарши эмлаш воситаларининг самарадорлиги 90 фоизни ташқил этади.

Мавсумий гриппга қарши вакцина организмда 15 кун ичида гриппга қарши иммунитет ишлаб чиқади. Таъсир кучи 1 йилга етади.

Эмлашдан олдин шифокор томонидан, албатта, эмланувчи шахснинг умумий саломатлиги текширилиб, шунга кўра вакцинация қилиш-қилмаслик белгиланади. Яъни, эмланадиган киши шамоллаш, нафас олиш йўллари яллиғланиши каби касалликлардан тамоман соғлом бўлиши керак.

Шунингдек, вакцина таркибидаги компонентларга нисбатан аллергик таъсирчанлик даражаси ҳам текширилади.

ЖССТ ушбу вирусга қарши, биринчи навбатда, ҳомилдор аёллар, 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар, кекса ёшли инсонлар (65 ёшдан катта), сурункали касалликлари бор беморлар ва тиббиёт ходимларини эмлашни тавсия этади.

Ҳозир юртимизда гриппга қарши эмлаш ишлари кизгин давом эттирилмоқда.

“Андижон дори-дармон” АЖнинг 01.11.2023 йилдаги №357-сонли хатига асосан «BANYAN» МЧЖ томонидан “O'zbekiston ovozi” газетасининг 01.11.2023 йил №43(32789)-сонидан берилган эълондаги: “Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш мuddати сотилган мулк қийматига 15 % ҚҚСни қўшган ҳолда олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.” жумласи бундан кейин “Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.” деб ўқилсин.

+12 Корақалпоғистон Республикаси Хоразм

+15 Бухоро Навоий

+15 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё

+17 Қашқадарё Сурхондарё

+17 Андижон Наманган Фарғона

+18 Тошкент шаҳри

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

# 66 МИЛЛИОН

## “ТУЯ” БЎЛДИМИ?

**МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИГА ЖУДА КАТТА ИШОНЧ БИЛДИРИЛГАН, КАТТА ВАКОЛАТЛАР БЕРИЛГАН, МУҲИМ ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР ЮКЛАНГАН. ВАКОЛАТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИБ, ЭЛ-ЮРТГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН, ОДАМЛАРГА НАФИ ТЕГАЁТГАН ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ЖУДА КЎП, БАРАКА ТОПИШСИН.**

**ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ВАЗИФАСИДА ИШЛОВЧИЛАР ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ БИЗНЕС ЛОЙИҲА ВА ТАШАБУСЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВАТЛАШ ТАЖРИБАСИГА ҲАМ ЭГА БЎЛИШИ КЕРАКЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛГАН. БУГУН ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ БОР ВА УЛАР УШБУ ТАЛАБЛАР АСОСИДА ТАНЛАБ ОЛИНГАНИГА ШУБҲА ЙЎҚ.**

уларга ҳеч қандай муаммо чиқмайди, деган гапга ишонишган.

Қизиги шундаки, ҳоким ёрдамчиси маҳаллага қандай ёрдам келса, уларга берилиши, уйлари таъмирлашга ва уй-жойнинг кадастр ҳужжатларини тўғрилаб беришга ёрдам қилишини айтган. Ваҳоланки, буларнинг барчаси унинг функционал вазибаларига киради. Унинг ўзи кредит ҳужжатларини тайёрлаб, “Халқ банки” орқали ишини осонгина битирган. Буларнинг барчаси кредитдан ҳеч қандай наф кўрмаган, аммо уни тўлашига тўғри келатган оиланинг сўзлари.

Аслида вазият қандайлигини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон ХДП Қумқўрғон туман кенгаши раиси, туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Мамаражаб Намозов “емаган сомсага” пул тўлаётган фуқаронинг хонадонидан бўлди.

— Аввало, ҳар бир шахс ким бўлиши ва қайси вазифада ишлашидан қатъи назар, ўз ишига виждонан ёндашмас экан, мана шундай муаммолар бўлаверади, оддий одамлар жабр кўраверади, — дейди Мамаражаб Намозов. — Айни шу фикрлар билан “Тўда” маҳалласида яшовчи партияимиз электорати вакилининг хонадонидан бўлди ва туман Кенгаш депутаты Р.Менгзиёева, “Тўда” МФЙ хотин-қизлар фаоли М.Эрданова иштирокида фуқаро Матлуба Бердиеванинг оилавий шароитини ўргандик. У ерда вазият биз тасаввур қилгандан биров бошқачароқ кўринишда эди.

Яъни, оиланинг муурожаатидан кейин масъуллар томонидан уй-жойини таъмирлаш ишлари бошланган. Хусусан, эшик-ромлар қўйилиб, иккита хонаси таъмирланибди. Шикоятда кўрсатилган томорқа хўжалиги кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича ишлар амалиётда экани айтилди.

Энди энг асосий масала — уларнинг номига олинган кредит қарздорлигини сўндириш бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан суриштирув бошланган экан. Маҳалла масъулларининг хабар қилишича, ҳоким ёрдамчиси У.Туропов ижтимоий иссиқхона қуриш ва у ерда 8-10 кишининг бандлигини таъминлаш мақсадида кредит олган. Аммо унинг госяи амалга ошмай қолган экан.

Халқ демократик партияси фаоллари, депутатлар жараёни ўз назоратига олди ва масалага қонуний, адолатли ечим топилишини кутади.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



Ҳоким ёрдамчилари маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш жойларини яратишга масъул ҳисобланади. Аҳолининг барча қатлами, хусусан, ишсизлар, ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд кишилар билан индивидуал тарзда фаолият олиб бориши лозим. Ердан фойдаланиш, кредит олиш, эҳтиёжманд кишиларга субсидиялар ажратиш, инфратузилмани яхшилаш каби масалаларга ҳам масъул.

Бундан ташқари, аҳолини касбга ўқитиш, ўз ишини очишига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш каби муҳим ишларга ҳам бош-қош бўлади. Умуман, ҳоким ёрдамчиларига маҳалладаги барча ижтимоий масалалардан

хабардор ва аҳолига яқин кўмакчи бўлиш вазифаси юклатилган. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ана шундай фаолият билан виждонан шуғулланипти, дея олмаимиз.

Биргина мисол. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани “Тўда” маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси У.Туропов эҳтиёжманд кишилар учун берилаётган имконият ва имтиёزلардан ўз манфаати йўлида фойдалангани ҳақида хабарлар тарқалди. Маълум бўлишича, у эҳтиёжманд бўлган, бир амаллаб тирикчилик қилиб юрган оилага қоп-қоп ваъдалар бериб, жорий йилнинг ёз ойларида 2-гуруҳ ногирони Мамаюсуф Эшқобилов номига катта миқдорда кредит олган. Содда одамлар

АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ҲАЁТИМИЗГА КИРИБ КЕЛИШИ ИШИМИЗНИ ОСОНЛАШТИРМОҚДА. БУ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ СЕЗИЛЯПТИ. БУ АЙНИҚСА, УМР БЎЙИ МЕҲНАТ ҚИЛИБ, ҚАРИЛИК ГАШТИНИ СУРИШ ДАВРИ КЕЛГАНИДА ИДОРА-МА-ИДОРА ЮРГАН ЁШИ УЛУФ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ САРСОНГАРЧИЛИГИГА ЧЕК ҚЎЙДИ.

## ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТЛАРИДАН МАҚСАД КЕКСАЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ



Хусусан, Президентнинг “Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори пенсия тайинлашда фуқаролар овозгарчилигининг олдини олиш ҳамда давлат хизматлари сифатини ошириш борасида навбатдаги қадам ҳисобланади. Унга кўра, 2024 йил 1 январдан фуқароларга пенсия тайинлаш учун кўшимча равишда Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам муурожаат қилиш имконияти яратилмоқда. Фуқароларга пенсия тайинланганидан сўнг АТ Халқ банкида жамғарган нафақа пулини олиш учун қоғоз шаклидаги сертификат бериш тартиби бекор қилинмоқда. Бунда, фуқаро Халқ банкида меҳнат фаолияти давомида ҳар ойлик ажратмалари асосида жамғарган маблағларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки банкнинг мобил иловаси орқали олиш имкониятига эга бўлади. 2025 йил 1 мартдан бошлаб эса 60 ёшга етган эркакларга ва 55 ёшга етган аёлларга пенсиялар, шу куннинг ўзида “автоматик” тарзда, яъни бирор-бир турдаги ҳужжат талаб этмаган ҳолда тайинланади. Бунда, шахсга оид маълумотлар (фуқаронинг ёши, жинси), иш стажы, иш ҳақи (тўланган ижтимоий солиқ суммаси) ва оила таркиби (турмуш ўртоғи ва фарзандлари) Адлия вазирлиги, Бандлик вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасининг электрон базаларидан олинади. Натижада эса фуқароларга пенсия тайинлаш учун кўшимча ҳужжатлар йиғиш ҳамда ўзи истиқомат қилувчи Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлини масиға муурожаат қилиш талаб этилмайди. Пенсия ёшига етган фуқарога, шу куннинг ўзида пенсия “автоматик” тарзда тайинлангандан сўнг, фуқаронинг мобил алоқа воситасиға маълумот юборилади. Маълумки, пенсияларни “автоматик” тарзда тайинлаш тартиби Арманистон, Грузия, Озарбайжон ва Эстонияда йўлга қўйилган.

Пенсияларни “автоматик” тарзда тайинлаш тартибини амалиётга жорий этиш бўйича 10 та банддан иборат “йўл харитаси” тасдиқланмоқда. Бунда, 14 та вазирлик ва идоранинг маълумотлар базаси 2025 йил 1 мартга қадар инвентаризация қилинади ва пенсия тайинлаш учун зарурий ҳужжатлар тўлиқ рақамлаштирилади. Пенсия ёшига етган, аммо пенсияга чиқмасдан иш фаолиятини давом эттириш истагида бўлган ёки пенсия миқдоридан норози бўлган фуқароларга “автоматик” тайинланган пенсияни тўхтатиш ҳуқуқи берилмоқда. Қонунчиликка мувофиқ пенсия миқдоридан норози бўлган фуқароларга пенсия миқдорига таъсир этувчи кўшимча ҳужжатларни исталган вақтда тақдим этиш ҳуқуқи берилган. Бу чора-тадбирларнинг замирида инсон манфаатларини таъминлаш, уларнинг турмуш тарзини қулайлаштириш мақсади турибди.

**Муқаддас НУРМАТОВА,**  
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Қарши шаҳар бўлими ходими, Банк-молия академияси тинловчиси.

### NOGIRONLIGI BO'LGAN BOLALARGA NAFAQA MUROJAAT QILINGANLIGIDAN QAT'IY NAZAR TAYINLANADI

Nogironligi bo'lgan 18 yoshgacha bolalarga;

O'zgalor parvarishiga muhtoj nogironligi bo'lgan 18 yoshgacha bolaning parvarishi bilan band bo'lgan qonuniy vakiliga;

Davlat pensiyasini tayinlash uchun zarur ish stajiga ega bo'lmagan I va II guruh nogironligi bo'lgan shaxslarga;



Davlat pensiyasini olish huquqiga ega bo'lmagan vafot etgan shaxsning qaramog'idagi oilaning mehnatga layoqatsiz a'zolariga;

Davlat pensiyasini tayinlash uchun zarur ish stajiga ega bo'lmagan keksa yoshdagi shaxslar hamda bolalikdan nogironligi bo'lgan farzandi bor (bo'lgan) onalarga.

Hukumat qarori bilan (119-son, 23.03.2023 y.)  
“Ijtimoiy himoyaga muhtoj bo'lgan ayrim toifadagi shaxslarga nafaqa tayinlash va to'lash tartibi to'g'risida nizom” tasdiqlandi

Nogironligi bo'lgan 18 yoshgacha bolalarga nafaqa hamda parvarishlash nafaqasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan “proaktiv shakl”da tayinlanadi.

Nogironlik, boquvchisini yo'qotganlik va yoshga doir nafaqalar tayinlanishi uchun davlat xizmatlari markazlari yoki YAIDXP (my.gov.uz) orqali murojaat qilinadi

MUASSIS:

**O'zbekiston ovozi**

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 239-12-14

Reklama b'limi: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1136. 6763 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:40

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Shuhrat ISLOMOV

Toشتهmir XUDOYQULOV